



МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

Мукимов Ботир Мирабзалович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0002-0826-1347

botir.mukimov@soliq.uz

Аннотация. Мазқур мақолада мамлакатда солиқ соҳаларида қўп йиллардан буён солиқ маъмурчилигини такомиллаштириши бўйича ривожлантириш сарҳисоби, бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни такомиллаштиришда худудлараро солиқ инспекциясини ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон солиқ тизимида худудлараро солиқ инспекциясида амалга оширилаётган айрим муҳим ислоҳотлар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хуласа ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: солиқ сиёсати, солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усууллар ва воситалар, худудлараро солиқ инспекцияси, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

РЕЗУЛЬТАТЫ ПРОВОДИМЫХ РЕФОРМ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ НАЛОГОВОГО
АДМИНИСТРИРОВАНИЯ В НАШЕЙ СТРАНЕ

Мукимов Ботир Мирабзалович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье обобщается развитие налогового администрирования в стране за многие годы, роль и значение межрегиональной налоговой инспекции в совершенствовании масштабных реформ, направленных на дальнейшее укрепление доверия деловых кругов. При этом были изучены некоторые важные реформы, реализуемые межрегиональной налоговой инспекцией в налоговой системе Узбекистана, а также разработаны научно-практические выводы и предложения на основе зарубежного опыта и его применения в нашей стране.

Ключевые слова: налоговая политика, налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, межрегиональная налоговая инспекция, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

RESULTS OF THE REFORMS CARRIED OUT TO IMPROVE TAX ADMINISTRATION
IN OUR COUNTRY

Mukimov Botir Mirabzalovich

Tashkent State University of Economics

Abstract. This article summarizes the development of the tax administration in the country for many years, the role and importance of the interregional tax inspection in the improvement of large-scale reforms aimed at further strengthening the confidence of business circles. At the same time, some important reforms implemented by the interregional tax inspectorate in the tax system of Uzbekistan were studied, and scientific-practical conclusions and proposals were developed based on foreign experience and its application in our country.

Keywords: tax policy, tax revenue, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, interregional tax inspection, analysis, optimization, tax benefits, tax rate.

Кириш.

Солиқ сиёсати стратегияси орқали инклузив ўсиш суръатларига эришиш, солиқ тизимида даромадларни ошириш қобилиятини ошириш ҳамда давлат харажатларининг барқарорлигини таъминлаш, ривожланаётган давлатларнинг фискал сиёсатини кучайтириш, адолатли ва инклузив солиқ тизимини жорий этиш, солиқ сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда рақамли платформалардан самарали фойдаланиш кабилар бу борадаги илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон солиқ тизимида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар кўпинча иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, инвестицияларни рағбатлантирадиган ва давлат функциялари учун етарли даромад йиғилишини таъминлайдиган янада самарали, шаффоф ва адолатли солиқ тузилмасини яратиш зарурати билан боғлиқ.

Адабиётлар шарҳи.

Федоров. (2010) фикрича, “маъмурий юкни камайтирадиган ва йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантирадиган солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этган, амалдаги солиқ имтиёзларни сезиларли даражада кенгайтирадиган ва тўлдирадиган ҳамда ўз инвестиция манбаларини кўпайтирадиган йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаолиятини солиқ орқали рағбатлантириш усуллари ва услубларини ишлаб чиқсан, уларнинг самарадорлигини баҳолаган”

Байбородина “солиқ ислоҳотлари – солиқ тизимини кенг кўламли қайта қуриш ва уни бошқариш механизмини ўзгартириш асосида солиқ муносабатларининг чекланган ёки тубдан ўзгариши сифатида” таърифлайди.

Майбуров (2007) “солиқ ислоҳоти солиқ тизимини тубдан ўзгартиришни давлат солиқ сиёсатининг янги мазмунига мослаштириш” деб таъкидлайди.

Дементьев (1689) солиқ сиёсатини давлат иқтисодий сиёсатининг инъикоси эканлигини, у мустақил аҳамиятга эгалиги ва солиқларнинг илмий назариясига асосланиши лозимлигини таъкидлайди. “Амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг натижалари кўп жиҳатдан давлат ўз иқтисодий сиёсатига қандай тузатишлар киритишга мажбур эканлигини, солиқ тизимини қандай қуриш кераклигини белгилайди”.

Карп (2001) Солиқ сиёсати давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги умумий молиявий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, солиқ соҳасидаги давлат фаолияти концепцияси, солиқ механизми, солиқ тизимини бошқариш каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Ситникованинг (2012) фикрича, “консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳига киритишида активларини тан олиш ёки маҳсус қайта баҳолаш зарур, гуруҳга киришдан олдин корхонанинг заарларини ўтказиш тартиби ишлаб чиқилиши лозим, консолидациялашган солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолиятининг бир хил қийматга эга бўлган субъект сифатида халқаро эътироф этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим”.

Дарькина (2019) йирик солиқ тўловчиларнинг хусусиятлари сифатида тўхталиб, “йирик солиқ тўловчиларга қуйидаги хусусиятлар хосдир: катта пул оқими, кенг кўламли хужжатлар айланмаси, соддалаштирилган тизим бўйича солиқقا тортиладиган турли таркибий бўлинмаларнинг интеграциясидан фойдаланиш, мамлакат ичida ҳам, чет элда ҳам турли фирмалар билан ҳамкорлик мавжудлигидир”.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида янги мазмундаги стратегик мақсадларни белгилаб берувчи солиқ сиёсатини шакллантириш

ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантириш, солиқ юкини камайтириб бориш,adolatli солиқ тамойиллари га асосланган солиқ тизимини янада ривожлантириб бориш йўналишида сезиларли ислоҳотлар амалга ошириш бу борадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳар йили йил якунида кейинги йил учун солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда бюджет параметрлари тасдиқланади. Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар ҳамда 2025 йилда солиқ сиёсатидаги қуйдаги ўзгаришлардан иборат бўлди.

Хусусан, 2024 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-1011-сон), “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатлари га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-1014-сон) ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-1013-сон) қабул қилинди.

Мазкур қонун ҳужжатлари билан Солиқ кодексининг 37 та моддасига, шунингдек Бюджет кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

1-йўналиш. 1.1. Аҳоли ва тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар бериш, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича:

а) 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар ишга қабул қилинган камбағал оила аъзолари (иш ҳақи камида 1,7 млн сўмни ташкил қилганда) учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланди (амалда 12%);

б) 2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябрга қадар тадбиркорлар томонидан касбга ўргатиш учун ишга қабул қилинган мактаб, коллеж ва техникум ўқувчилари га даромад солиғи ҳамда уларнинг ойлик иш ҳақига ҳисобланган ижтимоий солиқ 1 фоиз миқдорида белгиланди (амалда 12%);

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2024 йил 28 июнь куни ёшлар билан ўтказилган учрашув видеоселектор йиғилишининг 31-сон Баёнининг 19-бандида 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб мактаб, коллеж, техникум ўқувчиларини касб ўргатиб, иш берадиган тадбиркорларнинг ўқувчиларга берган иш ҳақисидан тўланадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз қилиб белгилаш назарда тутилган. Маълумот учун. Ўзбекистон Республикасининг, 14.09.2016 йилдаги ЎРҚ-406-сон Қонунида ёшлар (ёш фуқаролар) - ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар деб белгиланган.

в) 2028 йил 1 январга қадар магистрал йўллар бўйида кўчма савдони ташкил қилган ёшлар (30 ёшгача) фаолиятининг дастлабки 6 ойи давомида солиқларни тўлашдан озод этилди;

г) 2029 йил 1 январга қадар нашриёт-матбаа фаолиятидан олинган даромадлар (солиқ даври яқунлари бўйича жами даромадининг камида 90 фоизини ташкил этган) фойда солиғини тўлашдан озод этилди;

Бунинг натижасида нашриёт ва матбаа корхоналари ихтиёрида 600,0 млрд.сўм маблағлар қолади.

д) Ай-Ти парк резидентлари га КҶСдан ташқари барча солиқларни (фойда, ер, молмулк, сув солиғи, айланма солиғи, ижтимоий солиқ) тўлашдан озод этиш тарзида ги имтиёзлар 2040 йил 1 январга қадар (амалда 2028 йил 1 январгача эди) узайтирилмоқда (14.10.2024 йилдаги ПФ-157-сон Фармони);

Мазкур имтиёз экспорт ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахслар ва 18 ёшдан ошган битирувчиларнинг 50 фоиздан ортиқ қисми экспортчи корхоналарга ишга жойлашган Ай-Ти таълим хизматини кўрсатувчи юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Тадбиркорлар ихтиёрида 1 трлн сўм маблағлар қолади.

е) 2025 йил 1 февралдан 2040 йил 1 январга қадар экспорт ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган Ай-Ти парк резидентларининг таъсисчиларига дивиденд солиғи 5 фоиз (амалда 10 фоиз) этиб белгиланмоқда;

Бунинг натижасида таъсисчилар ихтиёрида 10,7 млрд.сўм маблағлар қолади.

ж) 2025 йил 1 февралдан 2030 йил 1 январга қадар экспорт ҳажми йилига 10 млн доллардан ошган Ай-Ти парк резидентларига хизмат кўрсатган норезидентлар фойда солиғидан озод этилади;

з) нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари 2030 йил 1 январга қадар (22.11.2024 йилдаги ПҚ-403-сон):

- барча турдаги солиқлардан (бундан ижтимоий солиқ мустасно);

Бунда бўшайдиган маблағлар замонавий ўқув қўлланмалари, асбоб-ускуналарни сотиб олиш, биноларни реконструкция қилиш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларига бепул таълим хизматларини кўрсатиш учун мақсадли йўналтирилади.

- чет эл ўқитувчилари ва мутахассислари даромад солиғи ҳамда уларнинг ойлик иш ҳақига ҳисобланган ижтимоий солиқдан;

- замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, адабиётлар ва моддий-техника ресурслари импорти қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши белгиланди;

Бунинг натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 350 млрд.сўм маблағлар қолади.

и) қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатишини рағбатлантириш мақсадида (16.02.2023 йилдаги ПҚ-57-сон):

- юридик шахслар умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатганда:

ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк ва ер солиғини тўлашдан озод қилинади;

- ушбу қурилмалар орқали электр энергиясини ишлаб чиқариб умумий тармоқза сотганда фойда солиғини тўлашдан озод этилади;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан 3 йил мобайнида, куёш панелларининг кувватига нисбатан 25 фоиздан кам булмаган кувватга эта электр энергиясини тўплаш тизими билан қуёш панеллари ўрнатилганда эса - ушбу панеллар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан 10 йил мобайнида қўлланилади.

жисмоний шахслар 1 кВтдан 100 кВтгача қайта тикланадиган энергия манбалари қурилмаларини ўрнатганда мол-мулк солиғи бўйича имтиёздан – 750 минг сўм, ер солиғи бўйича – 375 минг сўмдан ошмаган миқдорда фойдаланиши назарда тутилмоқда;

Фойда солиғининг экспорт учун назарда тутилган ноль даражали ставкаси бўйича 2022 йилда 971,8 млрд сўм ва 2023 йилда 1 121,6 млрд сўм имтиёзлар экспортчи корхоналар ихтиёрида қолдирилган. Айланмадан олинадиган солиқда экспорт қилинган товарлар солиқ базасига киритилмаслиги натижасида 2022 йилда 11,7 млрд сўм ва 2023 йилда 14,4 млрд сўм имтиёзлар экспортчи корхоналар ихтиёрида қолдирилган. Бундан ташқари, ХВЖ мутахассислари ҳам мазкур имтиёзни бекор қилиш таклифини билдирган.

Шундан келиб чиқиб, мазкур ўзгартиришлар киритилмоқда. Келгуси йил 1 январдан бошлаб электрон тижорат иштирокчилари учун фойда солиғи ставкасини 7,5 фоиздан 10 фоизга ва айланмадан олинадиган солиқни 2 фоиздан 3 фоизгача ошириш таклиф этилади. Халқаро тажрибада, Германия, Япония, Жанубий Корея, Қозоғистон ва Россия давлатларида электрон тижорат иштирокчиларининг даромадлари умумбелгилangan тартибда солиқка тортилади. 2023 йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат орқали амалга оширилган жами товар (хизмат) айланмаси 3,6 трлн сўмни (2022 йилда 3 трлн сўм) ташкил этган. Бунда, 2023 йилда фойда солиғи бўйича 20 млрд сўм (2022 йилда 25 млрд сўм), айланмадан олинадиган

солиқ бўйича эса 2 млрд сўмлик (2022 йилда 1 млрд сўм) имтиёзлар электрон тижорат иштирокчилари ихтиёрида қолдирилган.

Мазкур имтиёз ҳисобига аҳоли ва тадбиркорлар ихтиёрида йилига 53,4 млрд.сўм маблағ қолади.

й) тадбиркорларга қўп қаватли ишлаб чиқариш бинолари фойдаланишга топширилгандан бошлаб 3 йил муддатга мол-мулк солиғи бўйича 0,9 дан 0,5 гача пасайтирувчи коэффициент қўллаш хуқуқи берилди (23.02.2023 йилдаги ПҚ-69-сон);

Имтиёз бино қаватлари 3 қават ва ундан юқори бўлганда қўлланилади, 6011 та обьект бўйича 302,3 млрд.сўмлик солиқ имтиёзи қўлланилиши мумкин.

к) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган бюджет субсидиялари даромад солиғини ҳисоблашда жисмоний шахсларнинг жами даромадига киритилмайди.

л) Бюджет ташкилотлари товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича барча турдаги солиқларни тўлашдан 2027 йил 1 январга (2024 йил 1 январга қадар эди) қадар озод қилинди, бундан ижтимоий солиқ мустасно;

м) 2025 йил 1 январдан 2030 йил 1 январгача тадбиркорлик субъектлари фойда солиғини ҳисоблашда ўз маблағлари ҳисобидан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари биноларини қуриш билан боғлиқ харажатларни 2 йил давомида тенг улушларда ушбу бинолар қийматининг амортизация тарзида чегириб ташланадиган харажатларга киритишга ҳақли.

Бунда улар ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласаларнинг фарзандларини бепул қабул қилиш бўйича лицензия талабларини бажаришлари шарт, акс ҳолда бу амортизация чегирмалари Солиқ кодексининг

306-моддасида назарда тутилган амортизация нормаларини ҳисоблаган ҳолда бекор қилинади.

н) 2027 йил 1 январга қадар Президент қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича протез мосламалари ва уларнинг бутловчи, эҳтиёт қисмларини республикамизга олиб киришда ҚҚСдан озод қилинди;

о) 2024 йил 1 ноябрдан 2026 йил 1 январга қадар резидент бўлган вагонлар (контейнерлар) операторларининг вагонларни (контейнерларни) ижарага бериш бўйича айланмаси ҚҚСдан озод қилинди;

п) қуйидагилар бекор қилинди:

- 2025 йил 1 январдан мобиль алоқа хизматларига акциз солиғи (10.02.2021 йилдаги ПҚ-4986-сон қарори);

Операторлар ихтиёрида 1 трлн сўм маблағлар қолади.

- шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурӣ чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари учун 2 баравар миқдорда ер солиғини ҳисоблаш тартиби (28.08.2024 йилдаги ПҚ-304-сон).

Бунинг натижасида фермерлар ихтиёрида 7,1 млрд.сўм маблағ қолади.

1.2. Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мувофиқ маҳаллий ва импорт акциз солиғи ставкаларини босқичма-босқич тенглаштириш мақсадида (03.06.2024 йилдаги ПФ-85-сон):

а) 2025 йил 1 январдан тамаки маҳсулотлари бўйича:

- сигареталарнинг ҳар бир минг донаси учун ички бозорда 300 минг сўм ва импортда 330 минг сўм, 2025 йил 1 июлдан ягона 340 минг сўмлик акциз солиғи белгиланди (10 фоизлик адвалор қисми бекор қилинди);

- бошқа тамаки маҳсулотларига акциз солиғи ставкалари оширилди;

Никотинли суюқликнинг (вейп) 1 мл учун 2 минг сўм, сигарага 20 минг сўм, электрон сигаретга 450 минг сўм/кг, чекиладиган, ўрама ва чилим учун 600 минг сўм/кг акциз солиғи ставкаларини белгиланди.

б) 2025 йил 1 январдан алкоголь маҳсулотлари бўйича (1 литри учун):

ароқ, конъяк ва бошқа алкоголь маҳсулотларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга 44 минг сўм, импортга – ставкани 25 фоизга камайтириб, 76 минг сўм; маҳаллий табиий винога – 5 минг сўм, импортга – 14 минг сўм; бошқа маҳаллий виноларга – 6 минг сўм, импортга – 20 минг сўм; маҳаллий пивога – 2 минг сўм, импортга – 6 минг сўм; маҳаллий ва импорт этил спиртига – 15 минг сўм миқдорида акциз солиғи ставкаларини белгиланди.

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб дон дистиллятига акциз солиғи жорий қилинди, шунингдек, техник спиртни олиш учун сарфланадиган этил спиртининг бошланғич фракциясига акциз солиғини ҳисоблаш тартиби бекор қилинди.

Дон дистилляти. «Давлатлараро стандарт. Озиқ-овқат хом ашёсидан этил спирти. Шартлар ва таърифлар» 33881-2016-сонли ГОСТни 38-бандига биноан (Ўзстандарт ратификация қилган), дистиллят – 52,0% ҳажмли этил спиртни ўзида акс эттиради. Бунда озиқ-овқат маҳсулотларидан ишлаб чиқарилган дистиллят этил спирти ҳисобланади. Кўрсатилган ГОСТни 39-бандига асосан, дон дистилляти (виски дистилляти) ўткирлиги 52,0% дан 94,8% ҳажмгача бўлган дистилляттадир. Дистиллаш жараёнида кубдаги суюқлик иситилади, буғланади, совиди ва кейин конденсацияланади. Натижада, буғ суюқликка айланади. Ушбу жараённинг якуний маҳсулоти дистиллат деб аталади. Ректификация жараёнида, дистиллашда бўлгани каби, суюқлик иситилади ва буғланади, буғ дистиллаш устунига тушади, бунда буғ ва конденсат ўртасида масса ва иссиқлик алмашинуви содир бўлади. Чиқишида ёқимсиз ҳид ва таъмга эга бўлмаган тоза спирт олинади. Дистиллят ва ректификация қилинган маҳсулот ўртасидаги фарқ унинг таркибида заарли аралашмалар миқдорида. Дистиллятда қўпроқ заарли аралашмалар мавжуд. 2023 йилда Бектемир спирт заводи томонидан қарийб 100 минг далл дон дистилляти реализация қилинган.

1.3. 2025 йил 1 июлдан бошлаб ҚҚС занжири узлуксизлигини таъминлаш мақсадида йўловчиларни ягона тарифлар бўйича ташиш хизматларини кўрсатиш бўйича айланма учун қўшилган қиймат солиғи имтиёзи бекор қилинди (18.09.2024 йилдаги ПФ-140-сон Фармони):

Йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корхоналар кўрсатаётган хизматлари ҚҚСдан озод этилганлиги боис, улар томонидан сотиб олинган товарлар (транспорт воситалари, ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари ва ҳ.к) учун тўланган ҚҚС суммасини ҳисобга олиш имкониятини чекламоқда. Ҳисобга олинмаган ҚҚС суммаси ташиш хизматлари таннархга киритилиши хизматлар нархлари ошишига сабаб бўлмоқда. 2023 йилда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи 160 та корхона томонидан 77,2 млрд сўмлик ҚҚС имтиёzlаридан фойдаланилган.

2-йўналиш. Бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш

2.1. 2025 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар:

а) айланмадан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган ставкаси товар айланмаси 500 млн сўмгача бўлганда йилига 30 млн сўм (амалда 25 млн сўм), 500 млн сўмдан юқори бўлганда – 40 млн сўм (амалда 34 млн сўм) миқдорида белгиланди.

Маҳаллий бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида айланмадан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган ставкаларини товар айланмаси йилига 500 млн. сўмгача бўлган тадбиркорлар учун 30 миллион сўм, товар айланмаси 500 млн. сўмдан 1 млрд сўмгача бўлган тадбиркорлар учун эса 40 миллион сўм миқдорида белгилаш таклиф этилади. Амалда, даромади йилига 500 млн. сўмгача бўлган тадбиркорлар 25 млн. сўм, айланмаси 500 млн. сўмдан 1 млрд сўмгача эса 34 млн. сўм солиқ тўлайди. Ушбу солиқ режими талаблари тадбиркорлар учун қулай ҳисбланиб, улар бухгалтерия ҳамда мазкур солиқ бўйича ҳисбот топширишдан, солиқ текширувларидан ва дивиденклар тарзида олинадиган даромадларга солиқ солишдан озод қилинганлигини. Мисол учун, 2023 йилда жами даромади 905 млн.сўм бўлган

АОСни 4 фоиз ставкада тўловчи "Ситора сервис" оилавий корхонаси томонидан 36,2 млн. сўм солиқ ва 7,7 млн. сўм дивиденд солиғи тўланган.

Худди шунингдек, 2023 йилда жами даромади 905 млн сўм бўлган АОСни қатъий ставкада тўловчи "Ар голден сервис" МЧЖ дивиденд тўловларидан озод қилинган ҳолда 30 млн. сўм солиқ тўлаган. 2023 йилда жами АОС тўловчилар сони 333 мингтани, шундан АОСни қатъий ставкада тўловчилар сони 46,8 мингтани (улуши 14 фоиз) ташкил этган.

Бунда ушбу солиқ режими 2026 йил 1 январдан бекор қилинади.

б) қўйидагилар 10 фоизгача индексация қилинди:

– нотурар обьектлар бўйича мол-мулк солиғининг асосий ставкасини (1,5 фоиз) сақлаб қолган ҳолда, солиқ базасини аниқлашда 1 кв. м учун ўрнатилган минимал қиймат;

Тошкент шаҳрига – 3,3 млн сўм (амалда 3 млн сўм), Нукус шаҳри ва вилоят марказларига – 2,2 млн сўм (2 млн сўм), бошқа жойларга – 1,3 млн сўм (1,2 млн сўм).

– жисмоний шахсларнинг тураг обьектлари бўйича мол-мулк солиғи;

– қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг қатъий миқдорда белгиланган солиқ ставкалари.

1 куб метр қум-шағалга – 5 минг сўм (амалда 4,2 минг сўм), мармарга – 20 минг сўм (амалда 5,6 минг сўм), гранитга – 30 минг сўм (амалда 5,6 минг сўм) ва табиий безактошга – 10 минг сўм (амалда 5,6 минг сўм) миқдорида солиқ ставкаси белгиланди.

Бунда, ҳалқ депутатлари туманлар (شاҳарлар) кенгашларига норуда қурилиш материаллари учун (цементдан ташқари) белгиланган қатъий ставкага 1,3 баробаргача оширувчи коэффициент қўллаш ваколати берилди (амалда бундай ваколат мавжуд эмас);

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар учун ер солиғи бўйича имтиёзни бекор қилган ҳолда, солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилди. (18.09.2024 йилдаги ПФ-140-сон Фармони);

Бунда, иқтисодий жиҳатдан самараисиз ва кам ҳосилли боғ, токзорларга нисбатан ер солиғи 3 бараварга оширилган ҳолда ҳисобланади.

Бунинг натижасида тадбиркорларга 2,6 млрд.сўмлик имтиёз тақдим этилган.

г) сув солиғи ставкалари (05.01.2024 йилдаги ПҚ-5-сон):

– саноат корхоналари, электр станциялари ҳамда алкогольсиз

ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун ўртacha 10 фоизга индексация қилинди;

– бошқа тармоқлардаги корхоналар учун сув солиғи ставкалари саноат корхоналарига белгиланган ставкага тенглаштирилиб, ер усти – 700 сўм (амалда 345 сўм), ер ости – 850 сўм (415 сўм) этиб белгиланди;

– сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида автомобилларни ювишда фойдаланиладиган 1 метр куб сув учун солиқ ставкаси бир хил - 15 минг сўм (амалда ер ости сув учун 2 700 сўм, ер усти сув учун 13 500 сўм) этиб белгиланди;

Сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда 0,5 дан 0,7 гача камайтирувчи коэффицентлар қўлланилади.

Сувни тежайдиган суғориш технологиялари мавжуд бўлмаганда 1,1 коэффицент қўлланилади.

– ҳалқ депутатлари туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига сув солиғи ставкасига 0,7 гача камайтирувчи ва 1,5 гача оширувчи коэффициент қўллаш ваколати берилди (амалда бундай ваколат мавжуд эмас эди);

д) табиий газга акциз солиғи ставкаси 12 фоиз (амалда 20 фоиз) миқдорида белгиланиб, импорт учун акциз солиғи жорий қилинмоқда (20.09.2024 йилдаги ПҚ-329-сон қарор);

е) якка тадбиркорлар учун 2025 йил 1 январдан бошлаб:

– қатъий белгиланган солиқ ставкалари 10 фоизга индексация қилинди ҳамда фаолият тури ва жойлашган ҳудудига қараб энг кам

ва энг юқори ставкалар (диапазон) белгиланди;

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Жұқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига (амалда туман (шаҳар) Кенгашлари коэффициент белгилаши мүмкін) ставкаларни ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича белгилаш ваколати берилди.

– жами йиллик даромади 100 млн сўмгача бўлган якка тадбиркорнинг ходимларига даромад солиғи ўрнига якка тадбиркорларга белгиланган қатъий даромад солиғининг 50 фоизини тўлаш ҳуқуқи берилди (амалда ойлик иш ҳақидан 12 фоиз даромад солиғи тўланади);

Мисол учун, Хонқа туманидаги дехқон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркор ўзи учун 60 минг сўм қатъий солиқ тўлаган бўлса, ёллаган ходими учун 1 млн сўм ойлик ҳисоблаб, ундан 12 фоиз ставкада 120 минг сўм солиқ тўлаган.

Эндиликда ушбу тадбикор ўз ходими учун ўзи тўлаган солиқнинг ярми, яъни 30 минг сўм солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Бунинг натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 1,9 млрд.сўм қолиши кутилмоқда.

– бозор ва савдо мажмуаларидағи якка тадбиркорлар ўз ходимлари учун ижтимоий солиқни йилига 375 минг сўм миқдорида тўлаши белгиланди (амалда 2,2 млн сўм);

Бунинг натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 0,5 млрд.сўм маблағ қолади.

ж) 2025 йил 1 апрелдан бошлаб нефть маҳсулотларига белгиланган акциз солиқи ставкалари 10 фоизга оширилди;

2.2. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва бюджет даромадларини ошириш бўйича.

а) Жаҳон савдо ташкилоти талабларига асосан товарлар экспортидаги фойда ва айланмадан олинадиган солиқлар бўйича берилган имтиёз бекор қилинди (03.07.2024 йилдаги ПФ-85-сон Фармон);

б) таркибида шакар ва бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар бўлган газланган ичимликларнинг литрига 500 сўм миқдорида белгиланган акциз солиғини 2025 йил 1 апрелдан газланмаган ичимликларга ҳам татбиқ этилади.

Бунда, энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликларнинг 1 литри учун амалдаги 2 минг сўмлик акциз солиғи ставкаси сақлаб қолинди;

в) 2025 йил 1 январдан электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорларга фойда солиғи ставкаси 10 фоиз (амалда 7,5 фоиз) ва айланмадан олинадиган солиқ – 3 фоиз (амалда 2 фоиз) миқдорида белгиланди.

2.3. 2025 йил 1 январдан бошлаб йил давомида солиқ ва божхона имтиёзларини бериш ва бекор қилиш ёки бошқа ажратмалар ставкаларини камайтириш ва оширишни назарда тутувчи нормаларни кейинги йилдан бошлаб амалга киритиш тартиби ўрнатилди (18.09.2024 йилдаги ПФ-140-сон Фармони).

3-йўналиш. Очиқ муроқотдаги белгиланган вазифалар ижроси (30.08.2024 йилдаги ПФ-132-сон).

3.1. 2025 йил 1 январдан мулк ҳуқуқи асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини ва давлат мол-мулкини реализация қилиш бўйича айланмадан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш бекор қилинди.

Бунинг натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 250 млрд.маблағлар қолади.

3.2. Экспортда қўшилган қиймат солиғини қайтариш учун божхона органларининг экспортни тасдиқловчи электрон маълумоти асос бўлиши белгиланди. Амалда тадбиркорлар божхона чегара постидаги божхона органлари муҳри қўйилган хужжатларини солиқ органларига тақдим этишмоқда.

3.3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва сақлашга мўлжалланган бино ва иншоотлар жойлашган ерларга ер солиғини ҳисоблаш ноқишлоқ ерлар учун белгиланган ставкага 0,2 коэффициент қўллаган ҳолда амалга оширилиши белгиланди.

Бунинг натижасида фермерлар ихтиёрида 135 млрд.сўм маблағлар қолади.

4-йўналиш. Бошқа ўзгаришлар

Бюджет ташкилотлари томонидан халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳалари доирасида сотиб олинган товар хизматлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган.

Бунда инфратузилма лойиҳаларига нималар киришига аниқлик киритилиб, фақат электр, газ ва иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация, сув хўжалиги, йўл-транспорт инфратузилмаси, алоқа ва телекоммуникация, агрологистика, санитария жиҳатдан тозалаш, қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариш лойиҳалари доирасида сотиб олинган товар (хизматлар)га 2028 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши белгилаб қўйилди ва мазкур имтиёз лойиҳа иштирокчиларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгилаб берилди. Умуман олганда маркур ўзгартиришлар натижасида З трлн сўм маблағлар аҳоли ва тадбиркорлар ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

Хуласа ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Кейинги 5 йилликда амалга ошириладиган устувор ислоҳотлар

1. Солиқ органлари фаолиятини халқаро стандартлар асосида рақамли трансформация қилишни давом эттириш. (бизнес-жараёнларини автоматлаштириш, замонавий технологиялар асосида автоматлаштирилган қарорларни қабул қилиш, катта маълумотлар (Big Data) билан ишлаш, “Business Intelligence” аналитик тизимни ишга тушириш);

2. Давлат хизматчиларидан кейинги босқичда, умумбелгиланган тарзда даромадларни декларация қилиш механизmlарини ишга тушириш ва солиқ қўмитаси ҳузурида халқаро тажрибалар асосида Республика декларация марказини ташкил этиш (Германия тажрибаси);

3. Солиқ тўловчиларга хизмат қўрсатишни янги босқичга чиқариш, вазирликлар, қўмиталар (божхона, ҳаво ва транспорт, стандартлаш, инвестиция) ва назорат қилувчи органларда ахборотларни тақорорий йиғиш, молиявий ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида маълумотларини битта марказга жамлаган Давлат солиқ қўмитасини Ягона ахборотлар оператори деб белгилаш (Россия тажрибаси);

Адабиётлар/Литература/References:

Normurzayev U.X. (2024) O'zbekiston Respublikasining 2024-yilgi soliq qonunchilik hujjatlariga kiritilgan asosiy o 'zgarish va soliq imtiyozlari berish tartibini takomillashtirish masalalari, Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot: Том 1 № 1 «Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» журнali.

Normurzayev U.X. (2024) O'zbekistonda tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingini joriy etilishi va undagi asosiy o 'zgarishlar tahlili. Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot: № 4 «Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» журнali.

Дарькина Ю.А. (2019) Особенности налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. Interactive science. 3 (37).

- Дементьева Н.М. (1689) налоговая политика государства.
https://nsuem.ru/science/publications/science_notes/issue.php?ELEMENT_ID.
- Карп М.В (2001) Налоговый менеджмент: Учебник для вузов. – М. Юнити-дана,- 39 с.
- Майбуров И.А. (2007) Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям; под ред. И.А.Майбурова.-М.: юнити-дана,-655с.
- Нормурзаев У. Х. (2022) Солиқ имтиёзларининг самараадорлиги: назария, методология ва амалиёт. 08.00. 07 – Молия, тул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент.
- Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 24(1), 334–339.
https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51.
- Нормурзаев, У. (2023). Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича таҳлил ва тақлиф. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(7), 329–336.
<https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss7-pp329-336>. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2024-yil, iyul www.e-itt.uz
- Нормурзаев, У. (2024). Ўзбекистонда 2024 йилги солиқ қонунчилик ҳужжатларига киритилган асосий ўзгаришлар таҳлили. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 2(2), 522–531.
<https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss2-pp522-531>.
- Нормурзаев, У. (2024). Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштиришда ҳудудлараро солиқ инспекцияси ўрни ва аҳамияти. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 2(4), 457–467. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss4-pp457-467>.
- Ситникова О.В. (2012) Совершенствование налогообложения крупнейших консолидированных налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва.
- Федоров А.Н. (2020) Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Нижний Новгород.